ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ДЖИЯНОВ МАЪОРУФ РАШИДОВИЧ

ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ УЧУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ ВА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ПУНКТЛАРИ ТАРКИБЛАРИНИ АСОСЛАШ

05.07.02 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Гулбаҳор – 2021

УЎТ: 631.3(575.1)

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

Джиянов Маъоруф Рашидович
Пахта-тўқимачилик кластерлари учун қишлоқ хўжалиги техникалари ва техник хизмат кўрсатиш пунктлари таркибларини асослаш..... 3

Джиянов Маъоруф Рашидович
Обоснование состава сельскохозяйственной техники и пунктов технического обслуживания для хлопково-текстильных кластеров..... 19

Djiyanov Maoruf Rashidovich
Rationale for the composition of machines and maintenance points for cotton - textile clusters ……..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works……..... 39

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD. 05/13.05.2020.Т.112.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ

ДЖИЯНОВ МАЪОРУФ РАШИДОВИЧ

ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ УЧУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ ВА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ПУНКТЛАРИ ТАРКИБЛАРИНИ АСОСЛАШ

05.07.02 – Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ГУЛБАҲОР – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/T.1670 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.uzmei.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Тошболтаев Махамад Тожалиевич** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Нуриев Карим Катибович** техника фанлари доктори, профессор
	Холиқова Наргиза Абдувалиевна техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент
Етакчи ташкилот:	**И.Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети**

Диссертация ҳимояси Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.05/13.05.2020.T.112.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил 27 октябр соат 15^{00} даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99370) 601-07-04, факс: (+99370) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

Диссертация билан Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (451 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 110801, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Гулбаҳор шаҳарчаси, Самарқанд кўчаси, 41-уй. Тел.: (+99370) 601-07-04, факс: (+99370) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «13» октябр куни тарқатилди.
(2021 йил «13». октябр даги №13 рақамли реестр баённомаси).

А.Тўхтақўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари, т.ф.д., профессор

А. Ибрагимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., к.и.х.

А.Тўхтақўзиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи асосий субъе ҳисобланадиган фермер хўжаликлари (ФХ) ўзининг хусусий машина парки, таъмирлаш-хизмат кўрсатиш пунктлари ёки кўчма устахоналарига эга. Ўзбекистон фермерлари ҳозирда агрокластерлар доирасида маҳсулот етиштирмоқда. Сўнгги йилларда моддий-техника ресурсларидан самарали фойдаланиш, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларини етиштиришда қишлоқ хўжалиги техникаларининг иш қобилиятини сақлаб туришга қаратилган муҳандислик усулларини қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. «Дунё миқёсида 24,9 млн. тонна пахта етиштирилишини ҳисобга олсак»[1], пахта етиштирувчи субъектларни меъёрлардаги техника воситалари билан бутлаш, техник хизмат кўрсатиш (ТХК) пунктларини ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги техникаларини йил давомида соз ҳолатда ушлаб туриш орқали пахта етиштиришдаги агротехник тадбирларни оптимал муддатларда бажариш тизимини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан пахта-тўқимачилик кластерлари (ПТК) учун қишлоқ хўжалиги техникалари ва ТХК пунктлари таркибларини тўғри танлаш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи субъектлар балансидаги механизация воситаларидан йил давомида самарали фойдаланишни таъминлаш муаммоларига доир илмий-амалий ва инновацион тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, ПТК ишлаб чиқариши учун зарур бўлган техника парки ва ТХК базасининг таркибий ва миқдорий кўрсаткичларини асослашга доир мақсадли илмий изланишларни бажариш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан республикамизда фаолият кўрсатаётган ПТКда пахта етиштиришни тўла механизациялашни таъминлайдиган машиналарнинг рационал сони ва таркибини асослаш ҳамда уларга техник хизмат (ТХ) кўрсатувчи пунктларни барпо қилишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиздаги пахта-тўқимачилик кластерларида пахта етиштиришда меҳнат ҳамда энергия сарфини камайтириш, ресурсларни тежаш, техник хизмат кўрсатишда самарали техника ва технологияларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан, “... қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш ва жадал ривожлантириш учун суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасига интенсив усулларни, энг аввало, сув ва ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш, иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан фойдаланиш”[2] бўйича муҳим

[1] www.ICAC.org., November, 2020

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони

вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан “Иш унуми юқори бўлган қишлоқ хўжалиги техникаларидан кенг фойдаланиш”да пахта-тўқимачилик кластерларининг моделларини яратиш, агротехник мавсумнинг давомийлиги ва машиналарнинг ўртача иш унуми мезонлари асосида модел кластерларнинг хусусий паркини шакллантириш, ТХК пунктларини танлаш ва уларни зарур технологик қурилмалар билан жиҳозлаш орқали балансдаги техника воситаларини иш унумини ошириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5285-сонли Фармони, 2019 йил 31 июлдаги “Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини жадал ривожлантириш, аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4410-сонли Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналишига мос равишда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектлар (фермер ва деҳқон хўжаликлари, агрофирмалар, агрохолдинглар ва бошқалар) моделларини яратиш, машина-трактор парки (МТП) таркиби ва миқдорларини аниқлаш, бундай паркка ТХ кўрсатувчи базани барпо этиш ва унинг самарасини ошириш бўйича хорижда Ю.И.Бершицкий, А.В.Белявцев, А.А.Зангиев, А.Я.Поляк, Р.В.Жариков, А.И.Наумов, М.В.Шахмаев, В.И.Черноиванов, А.В.Ленский ва бошқалар томонидан тадқиқотлар ўтказилган.

Ушбу йўналишларда Ўзбекистонда Ю.И.Наумов, А.Обидов, А.И.Корсун, Э.Т.Фармонов, Р.Рустамов, М.Қобулов, З.Сейтимбетова, Б.А.Чернов, Ш.Шообидов, Қ.Шарипов, К.Нуриев, С.Шамшетов, Н.Холиқова ва бошқа олимлар илмий-тадқиқот ишларини бажаришган.

Бу тадқиқотлар давомида шакллантирилган ғоялар, таклифлар ва тавсиялар трактор ва қишлоқ хўжалиги машиналарига ТХК системасида муайян ижобий натижаларга эришилган ҳолда қўлланилиб келинмоқда. Аммо уларда пахта-тўқимачилик кластерларининг ер майдонлари бўйича ҳудудий ва бош моделларини яратиш, модел кластерлар ишлаб чиқариши учун зарур бўлган машиналар ва механизаторларнинг рационал сонларини асослаш, машиналарни ишловчанлигини таъминлайдиган ТХК пунктларини ташкил этиш масалалари ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қишлоқ хўжалигини механизациялаш

илмий-тадқиқот институти тадқиқот режаларининг ҚХ-4Ф-07 “Замонавий қишлоқ хўжалиги машиналарига фирмавий техник хизмат кўрсатиш системасини яратишнинг назарий асослари ишлаб чиқиш” (2007-2011) ва ҚХФ-2-001 “Ўзбекистон қишлоқ хўжалигида замонавий техника воситаларидан фойдаланиш даражасини ошириш, машинасозлик корхоналарида уларни энергия-ресурстежамкорлик йўналишларида такомиллаштиришнинг назарий-методологик асослари ва оптимал моделларини ишлаб чиқиш” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳаларнинг ғоялари ва тавсиялари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади модел пахта-тўқимачилик кластерида пахта етиштириш учун талаб этиладиган техника воситаларининг рационал таркиби ва сонларини асослаш, йил давомида уларнинг созлигини таъминлайдиган ТХК пунктларини ташкил этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ПТК машина-трактор паркининг рационал таркибини аниқлашнинг назарий-методологик тамойиллари ва меъёрий методларини ишлаб чиқиш;

ПТКларининг ер майдонлари бўйича ҳудудий ва бош моделларини яратиш, пахта етиштириш учун талаб этиладиган техника воситаларининг таркиблари ва сонларини асослаш;

бош модел таркибида тракторларга ва пахта териш машиналарига ТХК пунктларини ташкил этиш, қурилма ва ускуналар таркибини танлаш ҳамда самарасини баҳолаш;

бош моделнинг механизатор кадрларга, ТХК пунктининг муҳандис-техник ходимларга ва ишчи-чилангарларга эҳтиёжларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Ўзбекистонда фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик кластерлари, уларнинг балансидаги пахта майдонлари ва қишлоқ хўжалиги техникалари, кластерларнинг ҳудудий ва бош моделлари, таъмирлаш-хизмат кўрсатиш базалари олинган.

Тадқиқотнинг предмети пахта-тўқимачилик кластерларининг ҳудудлар кесимидаги гуруҳлари, 1000 гектар пахта майдони учун талаб этиладиган техникалар таркиблари ва миқдорларини аниқлашнинг меъёрий методи, ПТК бош моделининг рационал пахта майдони ва техника сони, пунктларнинг намунавий лойиҳалари ва самарадорлиги каби параметр ва кўрсаткичлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида монографик кузатув, ахборотлар синтези ва анализи, қиёсий таҳлил қоидаларидан, математик статистика, дискрет ва иқтисодий математика, оптималлаш методларидан ҳамда қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлатиш, тиклаш ва таъмирлаш фанларидаги усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

1000 гектар пахта майдони учун талаб этиладиган техникалар таркиблари ва миқдорларини агротехник мавсумлар давомийлиги ва машиналарнинг ўртача иш унуми каби мезонларга таянган ҳолда

аниқлашнинг нисбатан содда, лекин аниқ усули ишлаб чиқилган;

қўп қаторли (кенг қамровли) янги машиналар сонларини базавий (ишлатиб келинаётган) машиналар сонига келтириш мақсадида соҳа фани ва амалиётига илк бор мавсумий иш ҳажми ва қатор сони (қамров кенглиги) бўйича келтириш коэффициентлари деган тушунчалар киритилган, уларни ҳисоблаш ва қўллаш формулалари таклиф қилинган;

пахта-тўқимачилик кластерлари учун МТП таркибини пахта етиштириш харажатлари минимуми асосида аниқлашнинг иқтисодий-математик усули ва оптималлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ПТК бош модели яратилган. Бош моделнинг рационал пахта майдони сифатида ўртаарифметик қиймат ўрнига математик кутилишнинг юқориги чегарасини қабул қилиш тавсия этилган;

бош моделнинг техникалар ва механизаторларга бўлган талабини йил давомида фойдаланиладиган тракторлар сонлари асосида ҳисоблаш усули ишлаб чиқилган;

бош модел кластер балансида туриши лозим бўлган универсал-чопиқ (транспорт) тракторлари ва пахта териш машиналари сонларидан келиб чиқиб, уларга ТХ кўрсатувчи пунктларнинг намунавий лойиҳалари танланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пахта-тўқимачилик кластерлари ер майдонлари бўйича республика ҳудудлари кесимида гуруҳланган, ҳар бир гуруҳ учун трактор ва машиналарнинг таркиблари ва миқдорлари ҳисобланган;

ПТК бош модели машина-трактор паркининг таркиби ва сонини аниқлаш усули универсал-чопиқ (транспорт) ва чопиқ тракторлари базасида реализация қилинган;

пахта майдони энг катта кластерларнинг техника воситалари билан таъминланиш даражалари баҳоланган;

тракторларга ва пахта териш машиналарига ТХК пунктларидаги участкалар ва технологик қурилмаларнинг турлари ва вазифалари асосланган;

машиналарни бузилишлардан сақлаш эвазига кластер оладиган самара миқдорини аниқлаш усули таклиф қилинган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги пахта-тўқимачилик кластерлари моделлари учун техникалар ва ТХК пунктлари таркибларини назарий жиҳатдан асослашда математик статистика, дискрет ва иқтисодий математика ва оптималлашга киришнинг қоида ва усулларига амал қилинганлиги, ТХК пунктларининг самарасини қиёслаш орқали аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахта-тўқимачилик кластерлари моделларини яратиш, зарур техникалар таркибларини асослаш ва ТХК пунктлари лойиҳаларини танлаш усулларини ишлаб чиқилганлиги, улардан турдош масалаларни ечишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тракторлар ва пахта териш машиналарига ТХК пунктларини ташкил

этиш орқали кластерлар балансидаги техника воситаларини йил давомида бузилмасдан ишлаш имкониятлари яратилганлиги тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Пахта-тўқимачилик кластерлари учун қишлоқ хўжалиги техникалари ва техник хизмат кўрсатиш пунктлари таркибларини асослаш бўйича олинган натижалар асосида:

Республика ҳудудлари бўйича пахта-тўқимачилик кластерлари пахта майдонларининг рационал статистик параметрлари, ўртача 1000 гектар пахта майдони учун талаб этиладиган техника воситалари сонларини аниқлашнинг меъёрий коэффициентлари, рационал (13732 гектар) пахта майдонига эга бўлган пахта-тўқимачилик кластери учун талаб этиладиган техника воситалари ва таъмирлаш – хизмат кўрсатиш базаларининг таркибларига доир илмий натижалар “Ўзагросервис” АЖ техник сервис амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 4 июндаги маълумотномаси). Натижада бузилишларни олдини олиш ҳисобига ҳайдов агрегатининг бир кунлик самараси 1880631 сўмни, пахта териш машинасининг бир кунлик самараси 18400000 сўмни ташкил қилган;

“ТСТ Агрокластер” МЧЖ пахта-тўқимачилик кластерининг 12000 гектар пахта майдони учун талаб этиладиган техника воситаларининг таркиблари ва сонлари, ПТКнинг машиналар ва механизаторларга бўлган талабини йил давомида фойдаланиладиган тракторлар сонлари асосида ҳисоблаш методикаси, пахта териш машиналарига сменавий ва 75 мотосоатдан кейин техник хизмат кўрсатиш қоидаларига доир тавсиялар “ТСТ Агрокластер” МЧЖ амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 4 июндаги маълумотномаси). Натижада машина-трактор агрегатларининг кундалик иш унуми 19,5 фоизга, йиллик иш унуми 18,1 фоизга ортади, техник хизмат кўрсатиш харажатлари 65 фоизга камаяди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 таси монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишига

мослиги ва унинг ўрганилганлик даражаси кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ҳамда ишончлилиги очиб берилган, олинган натижаларни амалиётга жорий қилиниши, уларнинг апробацияси ва эълон қилинганлиги ҳамда диссертациянинг тузилишига доир маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Масаланинг ўрганилганлик даражаси ва тадқиқотнинг вазифалари”** деб номланган биринчи бобида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи субъектлар моделларини яратиш, уларнинг ишлаб чиқариши учун зарур бўлган машина-трактор парки таркиби ва миқдорларини аниқлаш, машина-трактор паркига техник хизмат кўрсатиш базасини барпо этиш ва функцияланиш самарасини ошириш масалаларига доир адабиётлар ўрганилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари асосланган.

Диссертациянинг **“Пахта-тўқимачилик кластерлари ер майдонларининг рационал катталиклари, зарур қишлоқ хўжалиги техникаларининг таркиблари ва миқдорларини аниқлашнинг назарий ва меъёрий усулларини ишлаб чиқиш”** деб аталувчи иккинчи бобида Республика ҳудудлари бўйича модел ПТКлари хизмат доирасидаги пахта майдонларининг рационал қийматларини аниқлаш, ҳудудий модел ПТКлари учун зарур техника воситаларининг таркибларини асослашнинг назарий-методологик тамойилларини шакллантириш, МТП таркибини оптималлаш алгоритмини танлаш, 1000 гектар пахта майдони учун талаб этиладиган техникалар таркиби ва миқдорини агротехник мавсумнинг давомийлиги ва машиналарнинг ўртача мавсумий иш унумдорлиги бўйича аниқлаш усуллари келтирилган.

Таъриф киритамиз: Ҳудудий модел ПТК – бу шундай назарий пахта-тўқимачилик кластерики, унда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда жойлашган икки, уч ва ундан ортиқ ҳудудий кластерни ўз ичига олувчи муайян пахта-тўқимачилик кластерлари гуруҳининг механизациялашган хизматлар кўрсатиладиган ер майдонларининг ҳажми, техника воситаларининг таркиби ва миқдори, таъмирлаш-хизмат кўрсатиш базасининг структураси ва қуввати каби параметрлари нисбатан тўлиқроқ акс этади.

Ҳудудий модел ПТК ва уларнинг хизмат доирасидаги пахта майдонларининг рационал қийматларини аниқлаш тартибини Қорақалпоғистон Республикаси мисолида кўрсатамиз (1-жадвал). Жадвалдаги 2, 3 ва 4 - кластерларни 1-гуруҳ кластерлари деб атаймиз. Гуруҳлаш қадами деган тушунчани киритамиз. Гуруҳлаш қадами – бу ёнма-ён жойлашган икки кластер пахта майдонлари катталикларининг айирмаси, ўзаро фарқидир. Гуруҳлаш қадамини 1000 ha деб қабул қилиш мақсадга мувофиқдир. Бу гуруҳдаги энг катта 10740 ha пахта майдонини гуруҳнинг рационал майдони $П_{Г1}$ сифатида қабул қиламиз. 1 ва 5- кластерларни ҳеч қайси гуруҳга киритмаймиз. Чунки уларнинг пахта майдонлари 2600 ha ва 15250 ha рационал майдондан кескин фарқ қилади ва гуруҳ қадамига ҳам

тўғри келмайди. Демак, Қорақалпоғистон учун 10740 ha пахта майдонига эга бўлган “Бўстон Кластер” ҳудудий модел кластеридир.

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикасидаги ҳудудий модел пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан механизация хизматлари кўрсатиладиган пахта майдонларининг рационал қийматлари, ha

№	ПТК номи	$П_i$	$П_Г$
1	"Taqiatas tex" МЧЖ	2600	$П_1$
2	"Agro To'rtko'l tekstil cluster" МЧЖ	9800	
3	"Beruniy Cluster" МЧЖ	10275	
4	"Bo'ston Cluster" МЧЖ	10740	$П_{Г1}$ = 10740
5	"Amudaryotex" МЧЖ	15250	$П_5$

1000 гектар пахта майдони учун талаб этиладиган техникалар таркиби ва миқдорини агротехник мавсумнинг давомийлиги ва машиналарнинг ўртача мавсумий иш унумдорлиги бўйича қуйидаги кетма-кетликда аниқлаш тавсия этилади:

машинанинг 1 кунлик иш унуми (гектарларда):

$$w_1 = w_c\ T_c\ n_c\ , \qquad (1)$$

бунда w_c – машинанинг 1 сменадаги иш унуми; T_c – 1 сменанинг давомийлиги; n_c – сменалар сони.

1 кунлик иш унумдорлиги w_1 бўлган машинанинг мавсум давоми ($T_м$) да бажарган иш ҳажми:

$$W_м = w_1\ T_м\ \text{(ha)}. \qquad (2)$$

1000 гектар пахта майдонида аниқ турдаги агротехник тадбирни бажариш учун талаб этиладиган аниқ русумли машинанинг умумий сони:

$$M_T = 1000 : w_м\ . \qquad (3)$$

1000 гектар учун ҳисобланган M_T меъёрий коэффициентлар, масалан Магнум 8940 учун 2,857; БДТ-3,0 учун 4,651; ОВХ-600 учун 4; МХ-1,8 учун 16,66 дона.

Диссертациянинг **“Пахта-тўқимачилик кластерларининг техника воситалари ва механизаторлар билан таъминланиш даражаларини аниқлаш”** деб номланувчи учинчи бобида вилоятлар бўйича энг катта пахта майдонига эга бўлган ПТКларнинг техника воситалари билан таъминланиш даражаларини аниқлаш, уларнинг ер майдонлари бўйича бош моделини ишлаб чиқиш ва пахта етиштириш учун талаб этиладиган техника воситаларининг таркиблари ва сонларини асослаш, бош моделнинг механизатор кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш методикалари келтирилган.

Энг катта пахта майдонларига эга бўлган кластерлар республика ҳудудлари бўйича қуйидагича тақсимланган: “Amudaryotex” (Қорақалпоғистон Республикаси) – $П_5$ = 15250 ha, “Tetratex” (Андижон вилояти) – $П_{12}$ = 10309 ha, “Buxoro Agro Klaster” (Бухоро вилояти) – $П_8$ = 47264 ha, “Сангзор текстил” (Жиззах вилояти) – $П_5$ = 29400 ha,

“Indorama Agro” (Қашқадарё вилояти) – $П_9$ = 35650 ha, “Art soft holding” (Наманган вилояти) – $П_7$ = 23218 ha, “Samarqand kamalak invest tekstil” (Самарқанд вилояти) – $П_{10}$ = 17454 ha.

Мазкур кластерларнинг муайян типдаги техника воситалари билан таъминланиш (d_T) даражасини қуйидаги нисбат ёрдамида ҳисоблаймиз:

$$d_T = (100 T_б) / T_T, \quad (4)$$

бунда $T_б$ – кластерлар балансида турган муайян типдаги техника воситаларининг мавжуд сони; T_T – кластерлар пахта майдонлари учун меъёрлар бўйича талаб этиладиган техника воситаларининг сони.

Кластерлардаги чигит экиш сеялкалари сонларини 8 қаторли “Кейс 1200” сеялкасига, пахтачилик культиваторлари сонларини 4 қаторли КХУ-4 культиваторига, пахта териш машиналари сонларини 2 қаторли “Кейс-2022” горизонтал шпинделли машинага келтириш мақсадида “Келтириш коэффициенти” ни қабул қиламиз:

$$К_қ = n_k / n_б, \quad (5)$$

бунда n_k – келтириладиган машиналардаги қаторлар сони; $n_б$ – базавий машинадаги қаторлар сони.

Базавий машиналарнинг ҳисобий сони $N_б$:

$$N_б = К_қ N_к, \quad (6)$$

бунда $N_к$ – базавийга келтириладиган (мавжуд) машиналар сони.

“Tetratex” МЧЖ даги 17 дона 6 қаторли горизонтал-шпинделли машина (ГШМ)ни 2 қаторли “Кейс-2022” машинага келтирамиз. Демак, $n_б$ = 2, n_k = 6, $N_к$ = 17. (5), (6) га биноан: $К_қ$ = 6/2 = 3; $N_б$ = 3 · 17 = 51 дона.

“Buxoro Agro Klaster” МЧЖ да 13 дона 8 қаторли “Кейс – 1200” пневматик сеялка ва 7 дона 12 қаторли 2MBJ-3/12 русумли сеялка бор. “Кейс – 1200” типидаги 8 қаторли пневматик сеялкани базавий сеялка деб оламиз. Демак, $n_б$ = 8, n_k = 12, $N_к$ = 7 дона. $К_қ$ = 12/8 =1,5 ва $N_б$ = 1,5 · 7 = 10,5 ≈11 дона. 8 қаторли “Кейс – 1200” сеялкаларининг жами келтирилган сони: 13+ $N_б$ = 13+11 = 24 дона.

“Sangzor-textile” МЧЖ бўйича. Кластерда 20 дона “Кейс-2022” русумли ГШМ ва 90 дона МХ-1,8 русумли вертикал-шпинделли машина (ВШМ) бор. “Кейс-2022” машинани базавий деб оламиз.

Мавсумий иш ҳажми бўйича келтириш $К_М$ коэффициентини қабул қиламиз:

$$К_м = W_к / W_б, \quad (7)$$

бунда $W_к$ - келтириладиган машинанинг меъёр бўйича мавсумий иш ҳажми, ha; $W_б$ - базавий машинанинг меъёр бўйича мавсумий иш ҳажми, ha.

Базавий машиналарнинг ҳисобий сони:

$$N_б = К_м \cdot N_к, \quad (8)$$

бунда $N_к$ - базавийга келтириладиган (мавжуд) МХ-1,8 русумли машиналар сони.

МХ-1,8 машина учун $W_к$ = 60 ha, базавий “Кейс – 2022” машина учун $W_б$ = 100 ha. Демак, $К_м$ = 60/100 = 0,6; $N_б$ = 0,6 · 90 = 54 дона. 2 қаторли

“Кейс- 2022” машиналарининг жами келтирилган сони: 20+ $N_б$ = 20+54 = 74 дона.

“Buxoro Agro Klaster” МЧЖ чигит экиш сеялкаси бўйича: $T_б$ = 24 дона, T_T = 135 дона, d_T = 17,77%; *“Sangzor-textile”МЧЖ*да пахта териш машинаси $T_б$ = 74 дона, T_T = 294 та, d_T = 25,17%.

Пахта-тўқимачилик кластерининг бош моделини ишлаб чиқиш учун Республика ва вилоятлардаги энг катта ер майдонига эга бўлган кластерлар гуруҳларини бир жойга жамлаб ёзиб оламиз:

$П_{Г1}$=10740 ha; $П_{Г3}$ =8534 ha; $П_{Г2}$ =7915 ha; $П_{Г2}$ = 11700 ha; $П_{Г3}$ = 14700 ha; $П_{Г2}$ = 9436 ha; $П_{Г3}$ = 10717 ha; $П_{Г2}$ = 16874 ha; $П_{Г2}$ = 16357 ha; $П_{Г2}$ = 12131 ha; $П_{Г2}$ =11435 ha; $П_{Г2}$ =11259 ha.

Бу рақамлар қуйидаги сонлар тўпламини ташкил этади (гектарларда):

M_i: 10740 8534 7915 11700 14700 9436

10717 16874 16357 12131 11435 11259 (9)

Сонлар тўпламидаги жами рақам – варианталар сони N = 12. Тўпламнинг математик кутилиши $\overline{M} = 11816{,}5\ ha$, ўртаквадратик четланиши $\sigma_M = 2846{,}2\ ha$ қийматлари асосида математик кутилишнинг пастки $M_П$ ва $M_Ю$ юқориги чегараларини ҳисоблаймиз:

$$M_П = \overline{M} - t_\alpha \frac{\sigma_M}{\sqrt{N}} = 11816{,}5 - 0{,}673\frac{2846{,}2}{\sqrt{12}} = 9901\,ha;$$

$$M_Ю = \overline{M} + t_\alpha \frac{\sigma_M}{\sqrt{N}} = 11816{,}5 + 0{,}673\frac{2846{,}2}{\sqrt{12}} = 13732\,ha.$$

ПТК бош моделининг рационал пахта майдонини 95% аниқлик билан математик кутилишнинг юқори чегарасига тенглаб олиш таклиф этилади, яъни 13732 ha.

ПТК бош моделининг 13732 гектар пахта майдони учун талаб этиладиган техника воситаларининг таркиблари ва сонлари

2-жадвал

№	Техниканинг номи, типи ва русуми	Талабдаги сони, дона
1	Ғилдиракли ва занжирли ҳайдов тракторлари: МХ-135, МХ-140, “New Holland TD5.110”, “John Deere 6110B”, “ARION 630C”, “AXOS 340C”, ВТ-100”	118
2	Чопиқ тракторлари: ТТЗ-811, ТТЗ-100НС, “AXOS 340C”, МТЗ-80Х, ТТЗ-80.11, ТТЗ-60.11, ТТЗ-100К11 қатор орасининг кенглиги 90 cm қатор орасининг кенглиги 60, 70, 76 cm юклаш–тушириш ишлари учун	 183 275 41
3	Универсал–чопиқ (транспорт) тракторлари: LS “U62”, ТТЗ-812, “New Holland TD5.110”, “John Deere 6110B”, МТЗ-82, ТТЗ-60.10, ТТЗ-80.10, ТТЗ-100К10, МТЗ-80	165
4	Лазерли ер текислагичлар: PL-3,5, “Dozer-350”, LTM-300A, П-4А	19
5	Ерларни чуқур юмшатиш машиналари: GR-270, GR-370, ГРП-3/5, ГНУ-1МС	13

6	Маъданли ўғит сочиш машиналари: GS2-600, НРУ-0,5, РМУ-0,5М, РМУ-0,75, МВУ-0,5А, 1РМГ-4, 1РМГ-4Б	53
7	Маҳаллий ўғит сочиш машиналари: РОУ-6, РТП-5	27
8	Трактор тиркамалари: 2ПТС-4-793А, 2ПТС-4-793А-01, 2ПТС-793А-03, 2ПТС-4-887	330
9	Плуглар: “EuroOpal5 2+1 N100”, ПНЯ-3-35 ПЯ-3-35, ПЛН-4-35, ПН-3-35, ПН-2-35	118
10	Тишли бороналар: БЗ-15, БЗСС-1,0; БЗТС-1,0; БЗТХ-1,0	27
11	Дискли бороналар: “Rubin 9/3001”, “KD-3000”, БДТ-3,0; ТДБ-3/5	64
12	Чизел-култиваторлар: “Карат 9/300”, ЧКУ-4А типидаги	69
13	Саккиз қаторли пневматик сеялкалар: “Кейс-1200”	39
14	Тўрт қаторли пахтачилик култиватори: 90 cm кенгликдаги қатор ораси учун: 3ZT-1.8, КХУ-4, КРТ-4, КРХ-3,6 60, 70, 76 cm кенгликдаги қатор оралари учун: YCMF 7, КХУ-4, КРХ-4	 183 275
15	Ғўза тупларини чилпиш мосламаси: PChM-4Б 90 cm кенгликдаги қатор ораси учун 60, 70 ,76 cm кенгликдаги қатор оралари учун	 183 275
16	Дори пуркагичлар: VP-1, ОВХ-600, ОШУ-50, ОПШХ-12/15, ОШУ-1-200	55
17	Икки қаторли пахта териш машинаси: СЕ-220 типидаги горизонтал–шпинделли МХ-1,8 типидаги вертикал–шпинделли	 137 229

Пахта-тўқимачилик кластери бош моделининг механизатор кадрларга бўлган эҳтиёжини аниқлашнинг қуйидаги методикасини таклиф қиламиз:

1) йил давомида фойдаланиладиган трактор типини танлаймиз. Бундай трактор универсал-чопиқ (транспорт) тракторидир. Унинг талаб этиладиган сонини $T_у$ символ билан белгилаймиз. 2-жадвалдан $T_у$ = 165 дона эканлиги кўриниб турибди;

2) агротехник мавсумлар давомида энг узоқ муддат ишлатиладиган трактор типини танлаймиз. У чопиқ тракторидир. Унинг талаб этиладиган сони $T_ч$ = 275 дона;

3) универсал-чопиқ ва чопиқ тракторларининг жами талаб этиладиган сони: $T_ж = T_у + T_ч$ = 165+275 = 440 дона;

4) механизаторларнинг талаб этиладиган сонини $n_{мех}$ символ билан белгилаймиз. Механизаторлар сонини универсал-чопиқ ва чопиқ тракторларининг жами сонига тенглаб оламиз: $n_{мех} = T_ж$ = 440 нафар.

Диссертациянинг **“Пахта-тўқимачилик кластери бош моделининг техник хизмат кўрсатиш базаси ва технологик қурилмалари таркибини асослаш”** деб номланган тўртинчи бобида трактор ва пахта териш машиналарига ТХК пунктининг технологик лойиҳаси, қурилма ва ускуналар таркибини асослашга доир амалий тадқиқотларнинг натижалари, тракторларга рақамли ТХК сонларини аниқлаш, ТХК пункти учун муҳандис-техник ходимлар ва ишчи-чилангарларнинг меъёрий сонларини аниқлаш, ТХК пунктларининг самарасини баҳолаш натижалари келтирилган.

Тракторларга техник хизмат кўрсатиш пунктининг технологик лойиҳаси ГОСНИТИнинг №816-11 намунали лойиҳаси базасида танланган.



2-расм. Тракторларга ТХК пунктидаги I – IX- участкаларнинг жойлашиш схемаси

I – электр ва электрон қурилмаларга хизмат кўрсатиш участкаси; II – эҳтиёт қисмлар омбори; III – ёнилғи ва гидравлика системаларига хизмат кўрсатиш участкаси; IV – механика участкаси; V – иситиш участкаси; VI – тракторларни ростлаш ва пайвандлаш ишларини бажариш учун бостирмали майдонча; VII – оргтехника воситалари билан жиҳозланган механик–чилангарлар хонаси; VIII – ташқи ювиш участкаси;IX – диагностикалаш, техник хизмат кўрсатиш ва жорий таъмирлаш участкаси.

Пахта териш машиналарига ТХК пунктини “Ўзгипроқишлоққурилиш” институти томонидан ишлаб чиқилган қуввати 200 та машинага мўлжалланган намунали лойиҳа асосида барпо этишни таклиф қиламиз.



3-расм. Пахта териш машиналарига ТХК пунктидаги I – XIX –участкаларнинг жойлашиш схемаси

А – машиналарга ТХК, уларни таъмирлаш, ростлаш ва сменалар орасида сақлаш зонаси, Б – машиналарни узоқ муддат сақлаш зонаси: I – ТХК пунктининг устахонаси; II – эҳтиёт қисмлар ва таъмирлаш материаллари омбори; III – машиналарни ростлаш ва хизмат кўрсатиш бостирмаси; IV – таъмирни кутаётган машиналар учун майдонча; V – машиналар таъмирланадиган майдонча; VI – ҳисобдан чиқарилган воситаларни сақлаш жойи; VII – машиналарни сменалараро сақлаш жойи; VIII – дам олиш зонаси; IX – оргтехника воситалари билан жиҳозланган механик–чилангарлар хонаси; X – машиналарни ташқи ювиш майдончаси; XI – заҳира майдончаси; XII – дарвоза; XIII – катта машиналар учун бостирма; XIV – кичик машиналар учун бостирма; XV, XVI – машиналарни сақлаш майдончаси; XVII – сеткали тўсиқ; XVIII – электр сақлагич; XIX – автомашиналар учун майдонча.

Ҳар икки ТХК пунктлари учун зарур асбоб ва ускуналарнинг русумлари танланган, сонлари асосланган.

МХ-1,8 пахта териш машиналарига қуйидаги такомиллаштирилган технология бўйича ТХКни таклиф қиламиз.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда пахта йиғим-терим мавсуми 15 кунда якунланмоқда. Пахта териш машиналари бир кунда 10 соат ишлатилмоқда. Демак, машинанинг мавсумий-ҳисобий иш ҳажми 150 мотосоатни ташкил этади. Тажрибаларимиз кўрсатмоқдаки, машиналар 70-80 мотосоат ишлаганидан кейин қисмларда носозликлар пайдо бўла бошлайди. Шуни ҳисобга олиб, мавсумнинг қоқ ўртасида, яъни 75 мотосоатда машиналарга ТХ кўрсатиш зарур деб ҳисоблаймиз. Бунда 15 турдаги технологик операция бажарилади.

Аниқ русумдаги тракторга режали ТХК сони у томонидан бир йил давомида сарфланган ёнилғи миқдорига боғлиқ равишда қуйидаги формулалар ёрдамида ҳисобланди:

1-ТХК, 2-ТХК ва 3-ТХК сонларини аниқлаш формулалари:

$$n_{1-ТХК} = \frac{G_{й}\left[П_{2-ТХК} - П_{1-ТХК}\right]}{П_{2-ТХК} \cdot П_{1-ТХК}}; \quad n_{2-ТХК} = \frac{G_{й}\left[П_{3-ТХК} - П_{2-ТХК}\right]}{П_{3-ТХК} \cdot П_{2-ТХК}};$$

$$n_{3-ТХК} = \frac{G_{й}}{П_{3-ТХК}}. \qquad (10)$$

МТЗ-80 типидаги тракторлар учун $G_{й}$ = 21600 kg; $П_{1-ТХК}$ = 675 kg; $П_{2-ТХК}$ = 2700 kg; $П_{3-ТХК}$ = 10800 kg. Демак,

$$n_{1-ТХК} = \frac{21600\ (2700-675)}{2700 \cdot 675} = 24; \quad n_{2-ТХК} = \frac{21600\ (10800-2700)}{10800 \cdot 2700} = 6;$$

$$n_{3-ТХК} = \frac{21600}{10800} = 2.$$ Жами ТХК сони = 32 та.

Тракторларга ТХК пунктидаги ишчилар сони:

$$П_{и} = М_{й} / Ф, \qquad (11)$$

бунда $М_{й}$ - тракторларга рақамли, мавсумий ТХК ва уларни жорий таъмирлашдаги ишларнинг жами меҳнат сиғими, киши - h; $Ф$ - бир нафар ишчининг йиллик вақт фонди, h.

$$Ф = T_{c}\, \eta_{см}\, И_{й}, \qquad (12)$$

бунда T_{c} - сменанинг давомийлиги, h; $\eta_{см}$ - смена вақтидан фойдаланиш коэффиценти: кўчмас ТХК воситалари учун 0,9; кўчма устахоналар учун 0,6-0,8; $И_{й}$ - бир йилдаги ишчи кунлари сони.

2021 йил учун 5 кунлик иш куни ҳисобида $И_{й}$ = 252 d, T_{c} = 7 h; $\eta_{см}$ = 0,9 ва $Ф$ = 7 · 0,9 · 252 = 1588 h.

$M_{й}$: 1 - ТХКда 1424 киши - h; 2 - ТХКда 4500 киши – h; 3 - ТХКда 3385 киши - h; мавсумий ТХК (М-ТХК)да 4564 киши - h; жорий таъмирлаш ($Ж_Т$) да 20 000 киши – h.

Бу ҳолда: $M_{й}$ = (1-ТХК) + (2-ТХК) + (3-ТХК) + (М-ТХК) + ($Ж_Т$) = 1424 + + 4500 + 3385 + 4564 + 20000 = 33873 киши – h; $Ф$ = 1588 h; $П_и$ = 33873 / 1588 = 22 киши.

3-жадвал

Тракторларга ва пахта териш машиналарига техник хизмат кўрсатиш пунктларининг ҳисобий самара кўрсаткичлари

Кўрсаткичнинг номи	Қиймати
“AXOS 340C”, “ARION 630C”, MX-140, “New Holland TD5.110”, BT-150 типидаги тракторлар базасидаги ҳайдов агрегатлари бўйича:	
1 гектар ерни шудгорлаш баҳоси, сўм	403050
ҳайдов агрегатининг 1 кунлик иш унуми, ha	4,666
ҳайдов мавсумининг давомийлиги, d	25
битта ҳайдов агрегатининг бузилишни олдини олиш ҳисобига кластер оладиган самара, сўм:	
1 кунда: 403050 · 4,666	1880631
25 кунда: 1880631 · 25	47015775
СЕ-220, “Кейс-2022” типидаги пахта териш машиналари бўйича:	
1 тонна пахтани териш баҳоси, сўм	920000
машинанинг бир кунлик иш унуми, t	20
терим мавсумининг давомийлиги, d	15
битта пахта териш машинасининг бузилишни олдини олиш ҳисобига кластер оладиган самара, сўм:	
1 кунда: 920000 · 20	18400000
15 кунда: 18400000 · 15	276000000

ХУЛОСА

“Пахта-тўқимачилик кластерлари учун қишлоқ хўжалиги техникалари ва техник хизмат кўрсатиш пунктлари таркибларини асослаш” мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ўзбекистонда фаолият юритаётган пахта-тўқимачилик кластерлари балансидаги ер майдонларининг катталиги, техника воситаларининг таркиблари ва миқдорлари, уларга техник хизмат кўрсатишнинг амалдаги ҳолати агротехник тадбирларни оптимал муддатларда бажариш ва машиналарнинг иш қобилиятини барқарор сақлаб туриш мақсадида кластерларда пахта етиштириш учун талаб этиладиган машиналарнинг рационал сонларини асослаш ва ТХК пунктларини ташкил этишга доир илмий масалани ҳал этиш долзарблигини кўрсатмоқда.

2. Кластерлар ишлаб чиқариши учун зарур бўлган машиналарнинг рационал таркиби ва сонларини аниқлашнинг таклиф этилган меъёрий ва иқтисодий-математик усуллари, оптималлаш алгоритмлари, кўп қаторли (кенг қамровли) янги машиналарни базавий (амалдаги)ларга келтириш коэффициентлари ва ТХК пунктларини танлаш тамойиллари масаланинг илмий асосларини ташкил қилди ва бир қатор амалий натижаларни олиш имконини берди.

3. ПТК бош моделининг рационал пахта майдони (13732 ha)ни кластерлар гуруҳларига тегишли энг катта ер майдонларининг математик кутилиши юқориги чегарасига тенглаб олиниши моделни 95% аниқлик билан татбиқ этиш имкониятини беради.

4. ПТК бош модели балансидаги универсал-чопиқ (транспорт) ва чопиқ тракторларининг жами миқдорига тенглаб олинган талабдаги 400 нафар механизатор сони балансдаги техника воситаларини йил давомида ишлатиш имконини беради.

5. Бош кластер таркибида №816-11 намунавий лойиҳа асосида 200 та тракторга мўлжалланган ТХК пунктини ташкил этиш, 9 та таъмирлаш-хизмат кўрсатиш участкасини 36 номдаги қурилма ва ускуналар билан бутлаш, “Ўзгипроқишлоққурилиш” институтининг намунавий лойиҳаси базасида 200 та пахта териш машинасига мўлжалланган ТХК пунктини барпо этиш ва уни 26 номдаги технологик қурилма ва мосламалар билан жиҳозлаш таклиф қилинади.

6. ТХК пунктларининг кучи билан битта ҳайдов агрегати ва битта пахта териш машинасининг бузилишларини олдини олиш ҳисобига кластер оладиган самарани аниқлаш методикаси ишлаб чиқилди. Бир кунлик ҳисобий самара ҳайдов агрегати учун 1880631 сўмни, пахта териш машинаси учун 18400000 сўмни ташкил этди.

7. Пахта-тўқимачилик кластери машина паркининг таркиби ва ТХК базасини асослаш бўйича олинган натижалардан ғаллачилик, шоличилик, боғдорчилик ва бошқа йўналишлардаги агрокластерларида шу каби масалаларни ечишда фойдаланиш мумкин.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 05/13.05.2020.Т.112.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ МЕХАНИЗАЦИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА

ДЖИЯНОВ МАЪОРУФ РАШИДОВИЧ

ОБОСНОВАНИЕ СОСТАВА СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОЙ ТЕХНИКИ И ПУНКТОВ ТЕХНИЧЕСКОГО ОБСЛУЖИВАНИЯ ДЛЯ ХЛОПКОВО-ТЕКСТИЛЬНЫХ КЛАСТЕРОВ

05.07.02 – Эксплуатация, восстановление и ремонт сельскохозяйственной и мелиоративной техники

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Гульбахор – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.1.PhD/T.1670

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу: www.uzmei.uz и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Тошболтаев Махамад Тожалиевич**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Нуриев Карим Катибович**
доктор технических наук, профессор

Холиқова Наргиза Абдувалиевна
PhD по техническим наукам, доцент

Ведущая организация: **Ташкентский государственный технический университет им. И. Каримова**

Защита диссертации состоится 27 октябрь 2021 г. в 15^{00} часов на заседании Научного совета PhD. 05/13.05.2020.T.112.01 при Научно-исследовательском институте механизации сельского хозяйства (Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, городок Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: (+99370) 601-07-04, факс: (+99370) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института механизации сельского хозяйства (регистрационный номер 451). Адрес: 110801, Ташкентская область, Янгиюльский район, городок Гульбахор, ул. Самаркандская, 41. Тел.: +99370) 601-07-04, факс: (+99370) 601-07-04, e-mail: qabulxona@uzmei.uz.

Автореферат диссертации разослан «13» октября 2021 года
(Протокол рассылки № 13 от «13» октября 2021 года)

А.Тухтакузиев
Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

А.Ибрагимов
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., с.н.с.

А.Тухтакузиев
Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике фермерские хозяйства (ФХ) являющиеся основными производителями сельскохозяйственной продукции, имеют собственный парк машин, ремонтно-обслуживающие пункты или передвижные мастерские. Фермеры Узбекистана в настоящее время выращивают продукцию в рамках агрокластеров. В последние годы эффективное использование материально-технических ресурсов, применение инженерных методов, сохранение работоспособности сельскохозяйственной техники при выращивании хлопчатника и других культур занимают одно из ведущих мест «Если учесть, что в мире выращивается 24,9 млн. тоны хлопка»[1], то требуется внедрение в практику системного выполнения агротехнических мероприятий в оптимальные сроки путем комплектации субъектов необходимыми техническими средствами, организации пунктов технического обслуживания (ТО), сохранения работоспособности машин в течении всего года. В этом аспекте имеет особое значение правильный подбор состава сельхозтехники и пунктов ТО для хлопково-текстильных кластеров (ХТК).

В мире ведутся научно-исследовательские и инновационные исследования по проблемам обеспечения эффективного использования средств механизации сельхозтоваропроизводителей в течение года. В этом направлении, в частности, выполнение целевых научных исследований по обоснованию составных и количественных показателей парка техники и базы ТО, необходимых для производственного процесса ХТК считаются актуальными вопросами. В связи с этим особое внимание уделяется обеспечению полной механизации производства хлопка в ХТК республики путем обоснования рационального состава и количества машин и организации ТО.

В республике проводятся широкомасштабные мероприятия по снижению затрат труда и энергии, сбережению ресурсов, разработке эффективной техники и технологий ТО и достигнуты определенные положительные результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в частности, предусмотрены задачи «...модернизация и интенсивное развитие сельского хозяйства, дальнейшее улучшение мелиоративного состояния орошаемых земель, развитие сети мелиоративных и ирригационных объектов, широкое внедрение в сельскохозяйственное производство интенсивных методов, прежде всего современных водо - и ресурсосберегающих агротехнологий, использование высокопроизводительной сельскохозяйственной техники»[2]

[1] www.ICAC.org., November, 2020

[2] Указ Президента Республики Узбекистан №УП 4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан»

